

“ТАСДИҚЛАНГАН”
Ўзбекистон Республикаси
акциядорлик тижорат Халқ банки
акциядорларининг навбатдаги йиллик
Умумий йиғилишининг
2016 йил 24 июндаги
3 - сонли Қарори

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки
Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида
НИЗОМ
(янги таҳрирда)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низоми (рўйхат рақами 943, 05.06.2000 й.) ва Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг (кейинги ўринларда матнда - “Банк” деб юритилади) акциядорлари умумий йиғилиши мақомини белгилайди ва унинг ишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

3. Акциядорлар умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТЛАРИ

4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига қуйидагилар киради:

- а) Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- б) Банкни қайта ташкил этиш;
- в) Банкни тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- г) Банк кенгаши сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- е) банк устав капиталини камайтириш;
- ж) ўз акцияларини олиш;
- з) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Банк кенгаши томонидан тайинланган Банк Бошқаруви раисини тасдиқлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- и) Банкнинг тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Банк тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчи)га тўланадиган мукофотлар ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- к) Банкнинг йиллик бизнес-режасини ва йиллик ҳисоботларини тасдиқлаш, шунингдек Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- л) Банкнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- м) Банк кенгаши аъзоларига бериладиган ҳақ ва уларнинг ўз функцияларини бажаришлари билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш миқдорини белгилаш;
- н) Умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;
- о) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- р) Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги, Банк кенгаши, Тафтиш комиссияси, Банк бошқаруви, Ички назорат тизими ва Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- с) қонун ҳужжатларига мувофиқ йирик битимлар ҳамда содир этилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган (аффилиланган шахслар) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- т) Банк кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан банк кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;
- у) имтиёзли ҳуқуқни қўллагаслик тўғрисида қонун ҳужжатларида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
- ф) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

5. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тегишли бўлган масалалар Банк кенгашига ҳал қилиш учун берилиши мумкин эмас.

6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тегишли бўлган масалалар Банк бошқарувига ҳал этиш учун берилиши мумкин эмас.

III. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИГИЛИШINI ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

7. Акциядорларнинг умумий йиғилишлари йиллик (ҳисобот) ва навбатдан ташқари йиғилишлар тарзида ўтказилади.

8. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишлари ҳар йили молиявий йил тамом бўлгандан кейин 6 ойдан кечикмай ўтказилади.

9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида банк кенгаши аъзоларини ва Тафтиш комиссияси аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳал этилади ҳамда банкнинг йиллик ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

10. Умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойини белгилаш, унинг кун тартибини тайёрлаш, ўтказилиши тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш вақтида акциядорларга бериладиган материаллар рўйхати банк кенгаши томонидан белгиланади.

11. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талаби, шунингдек, акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши у тасдиқлаган регламентга мувофиқ ўтказилади. Регламентга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши раиси ваколатига акциядорлар умумий йиғилишини аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляцияси орқали амалга оширилишига руҳсат берилиши, бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) мазмунига бўлган талабларни, йиғилиш давомийлиги белгиланиши мумкин.

IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИҒИЛИШНИ ҲАМДА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШИ

13. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда Банк кенгаши томонидан қуйидагилар белгиланади:

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойи;

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар бериш учун банк акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга банк акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга хабар қилиш тартиби;

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим қилинадиган маълумотлар (материаллар) рўйхати;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матни.

14. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

15. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

16. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

17. Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарда қуйидагилар бўлиши керак:

банкнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойи;

Банк акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши керак бўлган ахборот (материаллар) билан таништириш тартиби.

18. Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) банкнинг йиллик ҳисоботи, банкнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, банк кенгашининг банк раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиши муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида хулосаси, шунингдек Банк кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоллигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, банк Кенгашининг акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикри тўғрисидаги маълумот, банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёхуд банкнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

19. Банк овоз берувчи акциядорлари (акциядори) банкнинг молия йили тугагандан кейин узоғи билан 30 кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда банк кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақлидир.

Бунда, номзодларнинг исми-шарифи, лавозими ва номзодлар тўғрисидаги маълумотномани илова қилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

Акциядорлар (акциядор) банк кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

20. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядор) номи, уларга тегишли акцияларнинг сони ва турини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

21. Банк кенгаши тушган таклифларни белгиланган муддат тамом бўлгандан кейин 10 (ўн) кундан кечикмай кўриб чиқиши ва уларни акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиш ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

22. Акциядор (акциядорлар) киритган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, шунингдек кўрсатилган номзодлар банк кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайловлар юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

акциядор (акциядорлар) томонидан мазкур Низомнинг 19-бандида белгиланган муддатга риоя этилмаган бўлса;

акциядор (акциядорлар) мазкур Низомнинг 19-бандида назарда тутилган банкнинг овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

банкнинг сайлов органларига кўрсатилган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

таклиф Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, банк устави ва ушбу низомнинг талабларига мувофиқ бўлмаса.

23. Банк кенгаши масалани акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига ёки номзодни банк кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорга (акциядорларга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай юборилади.

24. Банк кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш ёки номзодни банк кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

25. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш кунидан олдин шакллантирилган банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Банк акциядорнинг ёзма талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

26. Акциядорнинг вакили Акциядорлар умумий йиғилишида муассаса раҳбарининг имзоси билан ёки бунга таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган бошқа шахснинг имзоси чекилган, ушбу муассасанинг муҳри билан тасдиқланган унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда қатнашиши мумкин.

27. Банк акциядорлари реестрига биноан 1-иловага мувофиқ шакл бўйича қайд этиш рўйхати тузилади.

Қайд этиш рўйхати рисола ҳолига келтирилган, тартиб рақами қўйилган ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

28. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорларнинг вакиллари қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва банк акциядорлари реестри маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш учун бюллетенларни оладилар.

29. Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетень берилади, қайд этиш рўйхатига эса у ифодалаётган акциядорнинг номи қаршисига вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

VI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

30. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши банк кенгаши қарорига кўра қуйидагилар асосида ўтказилади:

Банк Кенгаши ташаббуси билан;

Банк тафтиш комиссияси (тафтишчининг) ёзма талаби билан;
акциядорнинг ёзма талаби билан.

31. Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай банк кенгаши томонидан амалга оширилади.

32. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган ҳамда тегишли материаллар тақдим этилган бўлиши керак.

33. Банк кенгаши Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

VII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING КВОРУМИ

34. Акциядорлар умумий йиғилиши, агар умумий йиғилишда қатнашиш учун рўйхатдан ўтиш тамом бўлиши пайтида банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан ортиғига эгалик қилувчи акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

35. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

36. Акциядорларнинг ўтказилмай қолган умумий йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида, агар унда қатнашиш учун рўйхатдан ўтказиш тамом бўлиши пайтида банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (қирқ) фоизидан кўпроқ овозига эгалик қилган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтказилган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш мазкур низомнинг 14. ва 15.-бандларида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

37. Кворум бўлмаганлиги сабабли Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 (йигирма) кундан оз муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

VIII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИВИЛИШИНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

38. Қуйидагилар Акциядорлар умумий йиғилиш ишчи органлари ҳисобланади: умумий йиғилишнинг раиси, санок комиссияси, котиби.

39. Умумий йиғилишда Банк кенгашининг раиси раислик қилади у бўлмаганда эса Банк кенгаши аъзоларидан бири раислик қилади.

40. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилишни тасдиқланган регламентга асосан олиб борилишини таъминлаш мақсадида зарур бўлган ваколатларга эга бўлади.

41. Умумий йиғилиш раиси йиғилишнинг ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш ва маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни аудио-видео ёзуви ҳамда интернет тармоғидаги трансляцияси орқали олиб борилишини ва овоз бериш давомида санок комиссияси билан биргаликда тушунтиришлар беради, тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

42. Овозларни санаб чиқиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатдан олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Банк кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

43. Санок комиссияси таркиби камида 3 (уч) кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига Банк кенгаши аъзолари, банк Тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчиси), банк Бошқаруви аъзолари кириши мумкин эмас.

44. Тасдиқланган санок комиссияси:

акциядорлар умумий йиғилишида кворум мавжудлигини аниқлайди;

умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорларнинг вакиллари томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради;

овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиш ҳуқуқини таъминлайди;

овозларни санайди ва овоз бериш яқунларини чиқаради;

овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;

овоз бериш бюллетенларини Банк архивига топширади.

IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИВИЛИШИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТИ)

45. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби (регламенти) ҳар бир умумий йиғилишда тасдиқланади ва/ёки мазкур низомга мувофиқ амалга оширилади.

46. Банк Кенгаш раиси умумий йиғилишнинг раисини, санок комиссиясини ва раёсатини ва котибини сайлашни таклиф этади.

47. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиши вақтини, нутқлар мазмуни ва давомийлиги ҳамда танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг

фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

48. Йиғилиш давомида пайдо бўлувчи жорий масалаларни раис муҳокама қилинаётган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишида бош принципдан: ҳар бир қатнашчининг белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб яккабошчилик билан ҳал этади.

49. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар умумий йиғилиш котибиятига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда буюртма берадилар.

50. Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилингандан кейин раис акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилади.

X. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ

51. Умумий йиғилиш котиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

52. Умумий йиғилиш котиби:

умумий йиғилишнинг баённомасини олиб боради;

ёзма буюртманомалар бўйича йиғилиш кун тартиби масалаларини муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини тузади;

умумий йиғилиш тамом бўлгандан сўнг 10 (ўн) кундан кечикмай акциядорлар умумий йиғилиши баённомасини икки нусхада тузади ва раислик қилган ҳамда ўзи томонидан имзоланишини таъминлайди.

53. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, жой ва вақт;

банкнинг овоз берувчи акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда қатнашган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

54. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий мазмуни, овоз беришга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш натижалари, йиғилишда қабул қилинган қарорлар акс эттирилиши лозим.

55. Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси акциядорлар умумий йиғилиши раиси ва котиби томонидан имзоланади.

56. Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси имзолангандан кейин санок комиссияси йиғилиш ҳужжатларини, шу жумладан, умумий йиғилишнинг қайд этиш рўйхатини, овоз бериш бюллетенларини, банк архивига топширади.

57. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилиши баённомасига қўшиб қўйилади ва Акциядорлар умумий йиғилиши котиби Банк девонхонасига белгиланган муддатгача сақлаш учун топширади.

XI. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ

58. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қароридан ўзгача ҳол қайд этилмаган бўлса ва баённомада акс эттирилмаган бўлса, Банк кенгаши томонидан амалга оширилади.

59. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари умумий йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси
Акциядорлик тижорат Халқ банки
Акциядорларнинг умумий
йиғилиши тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

_____ Халқ банки акциядорларининг
_____ йил _____ да ўтказиладиган

Умумий йиғилишининг
қайд қилиш рўйхати

Т/р	Акциядорнинг номи	Овоз берувчи акциялар сони	Акциядор имзоси	Вакилнинг	Ишончнома	Ишончнома	Овоз берувчи акциялар сони	Вакил имзоси
				фамилияси, исми, шарифи	раками	берилган сана		
1	2	3	5	6	7	8	9	10